MASTERS

International Interdisciplinary Research Journal
Development & Science & Education

www.bestpublication.org

27 January / 2025 /13– NUMBER

«BEST PUBLICATION»

Science and Research Center ©

“MASTERS SCIENTIFIC JOURNAL”

COLLECTION OF MATERIALS

27th January 2025
13-Number

UZBEKISTON
2025

Ushbu to‘plamda “MASTERS SCIENTIFIC JOURNAL” respublika ilmiy jurnaliga kelib tushgan maqolalar o‘rin olgan. Mazkur jurnalda zamonaviy ta’lim tizimini rivojlantirish jarayonida innovatsion ta’lim texnologiyalarini joriy etish va loyihalashtirish, integratsion ta’limni rivojlantirishda yo‘nalishlar bo‘yicha kreativ g’oyalar, takliflar va yechimlarni amalga oshirish maqsad qilib olingan. Mazkur jurnal materiallaridan OTM professor-o‘qituvchilari, akademik litsey va kasb-hunar kollejlari va umumta’lim maktab o‘qituvchilari, mustaqil tadqiqotchilar, magistrantlar, ilmiy xodimlar, iqtidorli talabalar hamda shu sohada ilmiy ish olib borayotgan tadqiqotchilar foydalaishlari mumkin.

Eslatma! Jurnal materiallari to‘plamiga kiritilgan maqolalardagi raqamlar, ma’lumotlar haqqoniyligiga va keltirilgan iqtiboslar to‘g’riligiga mualliflar shaxsan javobgardirlar.

TAHRIRIYAT

Bosh muharrir:
Maqsudov Ulug‘bek Qurbonovich
Pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)
Mas’ul muharrir:
Yusufjonov Quyoshbek Komiljon o‘g‘li
Farg‘ona davlat universiteti
Texnik xodim:
Abduraxmonov Sarvar Abdumajit o‘g‘li
Farg‘ona davlat universiteti

TAHRIR KENGASHI A’ZOLARI

Tuychiyeva Inoyat Ibragimovna
Pedagogika fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)
Shamsiyeva Maxfuzaxon Xuja qizi
Tarix fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)
Sabirova Gulnoza Sadikovna
Pedagogika fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)
Saidov Ixtiyor Muzropovich
Farg‘ona davlat universiteti harbiy ta’lim fakulteti boshlig‘i
Mamatova Nodira Muxtarovna
Tibbiyot fanlari Doktori (Ds)
Rasulova Vasila Batirovna
Toshkent farmatsevtika instituti, Biologiya fanlari nomzodi, dotsent
Nikadambayeva Hilola Batirovna
Uzbekiston jurnalistika va ommaviy kommunikatsiyalar universiteti,
Pedagogika fanlari nomzodi, dotsent
Pirimov Akram Pirimovich
Navoiy davlat pedagogika instituti, dotsent
Shodiyev Furqat Davranovich
Navoiy davlat pedagogika instituti, Texnika fanlari
nomzodi, Dotsent
Qurbonova Muqaddas Omonovna
Filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)
Baltayeva Ikbal Tadjibayevna
O’zbekiston davlat jismoniy tarbiya va sport universiteti. O’zbek tili va adabiyoti kafedrasi dotsenti, filologiya fanlari nomzodi.
Sayfullayeva Ra’noxon Raupovna
O’zbekiston milliy universiteti. Filologiya fanlari doktori, professor.
Popova Tatyana Igorevna
SanktPeterburg davlat universiteti. Rossiya.Doctor filologicheskix nauk, professor.
Berdaliev Abduvali
Tojikiston. Xo`jand davlat universiteti. Filologiya fanlari doktori.
Manzuraxon Ernazarova
Navoi davlat pedagogika instituti.Filologiya fanlari doktori, professor.

Uluqov Nosirlon Muxammadalievich
Namangan davlat universiteti.Filologiya fanlari doktori.
Jumanazarova Guljahon
Filologiya fanlari doktori. Jizzax davlat universiteti.
A.A.Qosimov
Farg`ona davlat universiteti.Filologiya fanlari doktori, professor.

	RIVOJLANISHIGA MOS O'YINLAR TANLASH *Qipchaqova Sevinchxon*	
26.	**XORIJIY DAVLATLARDA JAMOAT XAVFSIZLIGI VA JAMOAT TARTIBINI SAQLASHNING O'XIGA XOS XUSUSIYATLARI VA O'ZBEKISTONDA TATBIQ QILISH ASOSLARI** *Madaminov Dilmurod Adhamjonovich*	**127**
27.	**O'ZBEK TILINING ZAMONAVIY RIVOJLANISH BOSQICHLARI VA UNI O'QITISH USULLARIDAGI INNOVATSION YONDASHUVLAR** *Aliyeva Oqilaxon Jahongir qizi*	**131**
28.	**O'ZBEK ADABIY TILINING ME'YORLARI VA DIALEKTLARNING TA'LIM JARAYONIDAGI O'RNI** *Aliyeva Oqilaxon Jahongir qizi*	**133**
29.	**ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК ТУШУНЧАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ МОҲИЯТИ** *Эргашев Иномжон*	**135**
30.	**XATOLAR USTIDA ISHLASH ORQALI O'QUVCHILARNING NUTQIY(YOZMA) SALOHIYATINI SHAKLLANTIRISHNING SAMARALI USULLARI.** *Bekimbetova Intizar Batirbekovna* *Shonazarova Ruhshona Xurshid qizi*	**142**
31.	**TARVUZNI CHIQINDISIZ QAYTA ISHLASHNING INNOVATSION TEXNOLOGIYASI.** *Xasanova Xolida Ibodullayevna* *Ergasheva Munisa Elmurodjon qizi* *Tursunboyeva Ra'no Tavvakal qizi*	**147**
32.	**O'QUV JARAYONIGA TA'LIMNING INNOVATSION SHAKLLARI, TEXNOLOGIYALARINI FAOL QO'LLASH** *Djumabayev Ergash Ataxanovich* *Usmanova Dilrabo Alimboy qizi*	**150**
33.	**THE CREATIVE HERITAGE OF ALISHER NAVOI: UNITY OF SCIENCE, SPIRITUALITY, AND ENLIGHTENMENT** *Qoraqulov Sardor Dilmirodovich*	**154**
34.	**IJOBIY ISTAK MAZMUNINI IFODALOVCHI BIRLIKLARDA OTLASHISH** *Yabbarbergenova Shadigul* *Tilovmuratova Muborak* *Jumabaeva Elvira*	**158**
35.	**BOSHLANG'ICH TA'LIM JARAYONIDA O'QUVCHILARDA EKOLOGIK ONGNI MUSTAHKAMLASH.**	**161**

27 January / 2025 /13– NUMBER

ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК ТУШУНЧАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ МОҲИЯТИ

Эргашев Иномжон
ФарДУ Мустақил тадқиқотчиси

Аннотация: *Мазкур мақолада ҳам “тинчлик” ва “барқарорлик” тушунчаларининг маъно ва мазмуни, мутахассисларнинг қарашлари ва истиқболли жараёнлар ҳақида структурали-функционал таҳлил қилинади. Қолаверса, Ўзбекистоннинг тинчликни таъминлашдаги ташаббусларининг концептуал мазмуни очиб берилган.*

Калит сўзлар: *Тинчлик, барқарорлик, ташаббус, ғоя, тизим, шахс, жамият, давлат, глобал тинчлик, араб-ислом, Фаластин муаммоси.*

Annotation: *The article also presents a structural and functional analysis of the meaning and content of the concepts of "peace" and "stability", expert views and prospective processes. In addition, the conceptual content of Uzbekistan's initiatives to ensure peace is revealed.*

Keywords: *Peace, stability, initiative, idea, system, person, society, state, global peace, Arab-Islamic, Palestinian problem.*

“Тинчлик” ва “барқарорлик” тушунчаларининг фалсафий талқини

Маълумки “тинчлик” атамаси борлиқнинг асосий элементи ҳисобланиб, умумий характерда намоён бўладиган мураккаб тизим сифатида ажралиб туради.

“Тинчлик” сўзи умумий ҳарактери бўйича ички ва ташқи жиҳатлари бўлиб, ички жиҳати “Оила-маҳалла-давлат-жамият”нинг ўзаро муносабатлари тизимида, ташқи жиҳати эса “минтақавий-ҳалқаро ва глобал” муносабатлар тизимида ўзаро уйғунлашиб тинчлик тизимини яратади.

Тинчлик деб зўравонлик, зиддият ёки шу зиддиятдан қўрқув йўқ осойишта ҳолатга айтилади. Тинчлик индивидуал шахслар ёки бутунбошли мамлакат ва халқлар орасида бўлиши мумкин.

Халқаро муносабатларда тинчлик атамаси остида уруш йўқлиги тушунилади. Шу боисдан ҳам бугунги кунда тинчлик ғояси умуминсоний мақсадларни бирлаштирувчи фалсафий ғояга айланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2024 йилнинг 11 ноябрь куни навбатдан ташқари араб-ислом саммитида нутқ сўзлади.

Ушбу саммитдаги асосий ғоя ҳам халқаро ҳамжамиятнинг Ғазо ва Ливандаги кескинликни камайтириш, юзага келаётган вазиятни тез фурсатда сиёсий йўл билан ҳал этишга қаратилган саъй-ҳаракатларини бирлаштириш масалаларини илгари сурди18.

18 Батафсил қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2024 йилнинг 11 ноябрь куни навбатдан ташқари араб-ислом саммитида нутқ.// https://president.uz/uz/lists/view/7686

Бугун тинчлик сўзи, миллатлар ва давлатларнинг ўзаро тинч-тотув яшашлари учун ҳаётий зарур шарт-шароитларни белгилаши, халқлар ва давлатлар ўртасида миллий манфаатлар инобатга олиниши, ташқи сиёсатда зўравонлик воситаларисиз олиб борилиши, очиқдан-очиқ ҳарбий тўқнашувлар олиб борилмаслиги ва шартномаларга оид мажбуриятларни тўла-тўкис бажарилишига асосланадиган муносабатлар даражасига етди.

Аммо мазкур ҳолатни кенгроқ таҳлил қиладиган бўлсак яна ўзига хос хусусиятлар ҳам ажралади. Чунончи, тинчлик сўзини тушуниб олиш учун унга қарама-қарши бўлган тушунчалар таҳлилига ҳам эътибор қаратиш лозим бўлади. Негаки, ижтимоий онгда “тинчлик” сўзига мурожаат қилинганда бевосита унга зид бўлган “уруш” сўзига тўқнаш қелинади. Чунки, халқлар тилида “Қўшнинг тинч-сен тинч”, “Тинчлик-урушсизлик ҳолати”, “Уруш бўлмаса-тинчлик бўлади” деган мақоллар замирида ҳам бир фалсафий ҳақиқатни англашимиз ҳам шунда.

Бу борада мутахассислар фикирига мурожаат этганимизда К.Фон Клаузивецнинг қуйидаги фикрларни таъкидлайди. Чунончи, уруш сиёсатнинг бошқа воситаларининг давоми деб билади ва унга кўра, уруш сиёсатни тинчликка элтувчи восита сифатида ҳам инкор қилмайди. Бу ҳарбийларнинг сиёсатга бўйсунишида яққол намоён бўлади деб таъкидлайди. К.Шмиттнинг фикрига кўра, аскарлар ҳар доим уруш бошланиши ҳолатига тайёр турадилар19 деб таъкидлайди. Шу боисдан “уруш -ижтимоий-сиёсий борлиқнинг асосий элементи ҳисобланади.

Уруш жамоавий акт сифатида намоён бўлиши билан бирга, ҳозирги кунда урушнинг жуда ҳам кўп кўринишлари сифатида эътироф этилади. Буларга қабилалар, этнослар, халқлар ўртасидаги урушларни, ҳамда глобал, регионал ва локал урушларни айтишимиз мумкин. Урушларнинг асосий кўринишлари сифатида давлатлараро ва фуқаролик урушлари айтишимиз лозимдир. Бундай вазиятларда миллий манфаатларнинг табиатига кўра урушли вазиятлар юзага келади. Янги даврда келиб эса, уруш ҳақидаги таълимотларни биз Г.Гегель, Прудон ва Ф.Ницше асарларида ҳам учратишимиз мумкин. Хусусан, Гегельнинг фикрига кўра, инсониятнинг ҳаёти ҳар доим трансформацион даврни бошидан кечиради.

Инсонларнинг ҳаёти ҳовузга ўхшамайди, чунки турган сув ўлимдан бошқа ҳеч нарсани англатмайди. Шунинг учун инсонлар бир-бири билан тўқнашадилар20 деб таъриф беради. Чунки инсонларнинг ҳаёти ҳудди “тўлқинсимон” шаклда кечиб, маълум бир давр тинч ва осуда маълум бир давр эса, тўс—тўполонларга бой бўлади. Буни тарихдаги даврларни эсалашимизни ўзи кифоядир. Немс мутахассисси Ницшенинг “Так говорит Заратустра” асарида айтилганидек, “Тинчликни урушга тайёргарлиги учун севиш керак ва қисқа

19 Шмитт К. “Понятие политического вопросы социологии”.М.: 1992.16-бет.
20 Лист.О.И. История политики и правовых учений. М.:1998. 418-бет.

тинчликни узоқ тинчликдан кўра яхши кўриш лозим”21 деган қарашларида ҳам баъзи бир ҳақиқатни англаш мумкин. Шу боисдандан тинчликда ҳам урушда сиёсий антропологик жиҳатдан ҳокимиятнинг марказида “инсон омили” туради.

Бундай вазиятда тинчликнинг тушуниш, унинг жамиятда ҳукм суриши, тинчликка нисбатан инсонларнинг муносабатини билиш зарур ҳисобланади. Кўпгина мутафакирларнинг фикрига кўра, урушнинг моҳиятини тушуниш учун инсоннинг табиатини англаш лозим. Чунки инсон феъл-атвори антогонизмга бой ҳисобланади.

Бу борада қуйидаги мутахассисларнинг фикрларини келтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади, чунончи Августиннинг фикрича, “урушлар” инсонларнинг гуноҳкорлигидан келиб чиқади, урушларни худо юборади. Ёки Ж.Де Местр фикри бўйича урушни дунёнинг асосий қонуни, деб ҳисоблайди: инсонлар нафақат кийиниш ёки овқатланиш учун бир-бирларини ўлдиришади, балки ўлдириш учун шу ишга қўл урадилар22 деб эътироф этади.

Гегель эса, тарих инсонларнинг салбий табиати шакллантиради, деб ҳисоблайди. Рус файласуфи А.Розанов шундай деган эди: “Биз Хаосни тартибдан кўра яхши кўрамиз”23 Ф.Назаритяннинг айтишича, “Бизнинг тафаккуримиз агрессив хулқ-атворимизга сабаб бўлади”24 К.Лоренс фикрича эса, инсонлар икки турга бўлинадилар: биринчи тур инсонлар, курашни ўлимдан устун қўйишса, иккинчи тури эса, ўлимдан қўрқиб курашмайдилар деб таърифлаган эди. Унга кўра, иккинчи турдаги инсонлар ҳаёти давомида қулга айланиб боришлиги таъкидланади.

Шарқ мутафаккирларидан Абу Райҳон Беруний, Ал-Фаробий, Абу Али ибн Синоларнинг уруш ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ҳам эътибор қаратадиган бўлсак, Абу Наср Форобий уруш турларини 2 га бўлади. биринчиси ҳаққоний урушлар (ўз ватани учун олиб борилаётган урушлар), иккинчиси нохаққонний урушлардир.25 Алишер Навоийнинг ёзишича, уруш жамиятни инқирозга олиб келади ва емирилишига сабаб бўлади деб эътироф этган. Бунда Алишер Навоий давлатларнинг энг асосий вазифаси-урушни бартараф этиш ва тинчликни ўрнатиш деб ҳисоблайди.

Дарҳақиқат, порадоксал дунёда тинчликни бузилишини фақат инсонларнинг табиати билан боғлашни балки жаҳон тартиботида барқарорликни таъминлашнинг янгича архетектураси шароитида тинчликни бузилишида давлатларнинг иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий, демографик ва сиёсий омилларнинг ролини ошиши ҳам сабаб бўлаётганлигини айтишимиз лозимдир. Шу сабабли ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясини қабул қилиш таклифини

21 Ницше Ф. Так говорит Заратустра. М.: 1991. 69-бет.
22 Лист.О.И. История политики и правовых учений. М.:1998. 422-бет.
23 Розонов А.Ф. Мысли о литературе. М.:.1998. 67-бет.
24 Гаджиев К.С. Политическая философия. М.: 1997. 258-бет.
25 Гаджиев К.С. Политическая философия. М.: 1997. 260-бет.

билдирган эди. “Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қила олмаймиз. Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади,”26.

Бугун тинчлик ўзбек халқининг ташқи сиёсатининг бош вазифасига айланди. Мисол учун 2018 йилда Ўзбекистон ташаббуси билан Тошкентда Афғонистон бўйича «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусида халқаро конференция, 2021 йилнинг 15-16 июль кунлари эса, «Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар» мавзусида юқори даражадаги халқаро конференциялар ташкил этилди. ва Ташқи ишлар вазирларининг Қўшма баёноти (2021) дунё ҳамжамияти томонидан Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича олиб борилаётган интилишларни мисол қилиб айтиш мумкин. Қолаверса, 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам дунё ҳамжамияти ва минтақавий ташкилотлар эътиборини Афғонистонда тинчлик ва ҳамжиҳатликни таъминлашга жалб қилиш борасидаги Ўзбекистон ташаббуслари бунга далил бўлади.

“Барқарорлик” тушунчасининг мазмуни

Фанда “тинчлик” тушунчасидан фарқли ўлароқ “барқарорлик” тушунчаси фалсафий адабиётда ўз ифодасини бирмунча батафсилроқ ёритилган десак муболаға бўлмайди. Бунинг ўзига хос сабаб ва оқибат боғлиқлиги мавжуд. Биринчидан, “Барқарорлик” тушунчаси таълим фалсафасида жамиятнинг ҳар бир тизими ва соҳасининг бир-хил тарзда ривожланиш ҳолати сифатида қаралишида, иккинчидан, “Барқарорлик” фанда ҳаракат ва материянинг, борлиқнинг яшаш усули бўлганлигида, унинг илмий исботланишида, ушбу ҳаракатнинг доимий ва нисбий равишда мавжуд бўлиши билан белгиланади. Барқарорлик шахс-жамият ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳарбий ва б. соҳалар фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Барқарорлик, фалсафий категория сифатида нафақат борлиқнинг умумий шакллари, балки уларнинг алоқа ва ўзаро боғлиқлигини ҳам қайд этиб, табиат, жамиятда пастдан юқорига ривожланиши ҳам ҳисобланади. Ушбу мураккаб тизимни шакллантириш жамиятнинг ривожланишига сабаб бўлибгина қолмасдан, балки шахс, жамият ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларни самарали кечишини таъминлайди ҳамда сиёсий тизимнинг қонунийлигини янада оширади. Бу борада Ислом Каримов қуйидаги фикрларини келтириш жоиз. Яъни “...тинчлик ва барқарорлик бўлмаса, илм-фан соҳасида ҳеч қандай ўсиш, тараққиёт бўлиши мумкин эмас. Қаерда тинчлик ва барқарорлик бўлсагина илм-фан марказлари, академиялар, олий ўқув юртлари пайдо бўлади. Энг асосийси, таълим-тарбия равнақ топиб, унга қизиқиш, эътибор кучаяди. Тинчлик-барқарорлик бўлган жойдагина одамлар ўқиб-ўрганишни, ҳар

26 Мирзиёев Ш. М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Т.2. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2018. – 253-б.

томонлама ривожланишни истайди. Одамлар кечаси уйқуга ётиб, эрталаб туришга қўрқмайдиган, эртага уларнинг бошига қандайдир муаммо ёки офатлар келмаслигини билган тақдирдагина шундай бўлади. Бу ҳақиқат кўп асрлар давомида ўз тасдиғини топган ва ишончим комилки, бугун бу мавзуда гапиришнинг ўзи ортиқча”27 деган қарашлари барқарорликнинг фалсафий негизини очиб беради.

Шундай экан, мазкур тушунчанинг маъно ва мазмунига эътибор қаратишимиз жоиздир. Ижтимоий фалсафа жамият тараққиётининг қонуниятларини баён этиш бобида “барқарорлик” тушунчасига қуйидагича таъриф беради:

“Барқарорлик - жамият тараққиётининг тадрижий ривожланиши, ижтимоий тизимнинг муайян даражадаги бир текис фаолият кўрсатиш имкониятидир. У турғунлик тушунчасидан кескин фарқланади. Ижтимоий-сиёсий турғунлик тушунчаси жамиятдаги мавжуд сиёсий, иқтисодий, маънавий тизимнинг таназзули аломатидир.

Жамиятда барқарорлик беқарорлик билан, инқироз гуллаб-яшнаш билан алмашиб туриши ҳам мумкин. Жамиятнинг маънавий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий соҳаларида муайян ютуқларга эришилгач, ижтимоий имкониятлар руёбга чиқарилиб бўлгач, унинг бундан кейинги тараққиёти йўлида янги муаммолар туғилади ва уларни ҳал этиш вазифаси пайдо бўлади. Жамият аъзоларининг маънавий салоҳияти, миллий психологияси, табиий равишда мавжуд сиёсий тузум кишиларни бошқаришнинг ўзига хос усулларини ҳаётга татбиқ этади. Инсоният ҳаёти тарихида жамият барқарорлигини таъминлашнинг монархияга асосланган, аристократик, тоталитар ва демократик усуллари тажрибадан ўтган”28.

“Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғати” да эса: “барқарорлик (ижтимоий, жамиятдаги-тинчлик, осойишталик ва ижодий меҳнат муҳити қатъий, узил-кесил ҳамда мустаҳкам ўрнатилган муҳим шароит. Барқарорлик ҳар қандай бунёдкорлик фаолиятининг замини ва зарурий шартидир”29 деб таърифланган. Маънавият асосий тушунчалар луғатида “Барқарорлик (ижтимоий, маънавий) – жамиятда ҳукм сураётган тинч-тотувлик, бирдамликни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлашга асосланган тинч шарт-шароитнинг мавжудлиги; ижтимоий қатламлар, гуруҳ ва сиёсий партиялар ўртасидаги ҳамжиҳатлик; давлат, жамоат ташкилотлари, фуқаролар ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорлик қарор топганини англатадиган тушунча”30 сифатида эътироф этилади. Барқарорлик, бу яхлит илмий:-сиёсий, иқтисодий, психологик, социологик, ҳуқуқий, ҳарбий, тиббий, биологик, техник тоифа ҳисобланиб, ҳар бир фан ўз соҳаси доирасида унга таъриф бериши, шарҳлаши мумкин. Аммо,

27 Каримов И.А. 2014 йилнинг 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида бўлган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи// Халқ сўзи/ 2014 йил 16 май.
28 Фалсафа. Дарслик. – Т.2005. Б.176.
29 Мустқиллик изоҳли илмий-оммабоп луғат –Т.: 2006, 41-бет
30 Маънавият асосий тушунчалар луғати. “Академия”, Т – 2009, Б-82

уларни бирлаштирувчи ягона ва муҳим қисм, бу тизимнинг функционал ҳолатини (ишчанлигини) сақлаб туриш, қайта тиклай олиш қобилиятининг мавжудлигидадир".31 Жамият ва давлат ҳақидаги таълимотларга таянган ҳолда,32 барқарорликни таъминланганлигини соҳавий таснифлаш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Барқарорлик, бу яхлит илмий:-сиёсий, иқтисодий, психологик, социологик, ҳуқуқий, ҳарбий, тиббий, биологик, техник тоифа ҳисобланиб, ҳар бир фан ўз соҳаси доирасида унга таъриф бериши, шарҳлаши мумкин. Аммо, уларни бирлаштирувчи ягона ва муҳим қисм, бу тизимнинг функционал ҳолатини (ишчанлигини) сақлаб туриш, қайта тиклай олиш қобилиятининг мавжудлигидадир"33 деб таъкидлангандир. Шу боисдан тинчлик ва барқарорликни ўрганишнинг янгича методологик ёндашувларига кўра ҳам таҳлилий фаолиятда барқарорликни ўрганишнинг амалий жиҳатлари уни таъминлаш нуқтаи назари бўйича ҳам алоҳида аҳамиятга эгалиги эътироф этилади.

Шу боис, барқарорликни фалсафий таҳлилий фаолият сифатида ёндашганимизда, уни илмий тадқиқот объекти сифатида мураккаблиги билан ажралиб туришига эътибор қаратиш жоиз. Яъни таҳлилий фаолиятлар эвазига барқарорликнинг содда ва мураккаблиги аниқланиб, унинг фалсафий мужоҳадаси таснифланади ҳамда назарий ва амалий аҳамияти ошиб бориши янада ортади:

- биринчидан, фалсафий соҳага оид фаолиятни ташкил этиш жараёнини енгиллаштиради;
- иккинчидан, барқарорлик фаолиятини мақсадли бошқариш самарадорлигини таъминлайди;
- учинчидан, муаммони объект ва предметини такомиллаштириб, батафсил ёритишга хизмат қилади;
- тўртинчидан, барқарорликни ўрганишда жамиятнинг тизимлари доирасида муносабатларнинг институционал кечишига ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтганда, тинчлик ва барқарорлик мураккаб тушунчалар бўлиб, булар ҳар шахс, бир миллат, ҳар бир жамият ва давлатнинг миллий ривожланишини англатади.

"Тинчлик" ва "барқарорлик" тушунча сифатида яхлит ҳисобланиб, ҳолат сифатида маълум бир соҳа ёки жараёнда мавжуд бўлиши мумкиндир.

31 Самаров Р. Сиёсий барқарорлик – демократик ислоҳотлар маҳсули // Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамятини ривожлантириш концепцияси-баркамол авлодни шакллантириш асоси // Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2011. - Б. 208-212.

32 Теория общества. – Москва: Канон-пресс-Ц Кучково поле. 1999 // http:// janex.htm)., Парсонс Т. Система современных обществ. - М.: Аспект Пресс, 1997., Wallace W. L. Principles of Scientific Sociology. - New York: Aldine, 1983., Hart A. Media Education in the Global Village. Southampton: Media Education Center, 1997., International Encyclopedia of the Social & Behavioral Sciences, 2001., Graber D. A. Mass Media and American Politics. Wahington, D.C. 1989.

33 Самаров Р. Сиёсий барқарорлик – демократик ислоҳотлар маҳсули // Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамятини ривожлантириш концепцияси-баркамол авлодни шакллантириш асоси // Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2011. - Б. 208-212.

АДАБИЁТЛАР:

1.Батафсил қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2024 йилнинг 11 ноябрь куни навбатдан ташқари араб-ислом саммитида нутқ.// https://president.uz/uz/lists/view/7686

2.Шмитт К. “Понятие политического вопросы социологии”.М.: 1992.16-бет.

3.Лист.О.И. История политики и правовых учений. М.:1998.

4..Фалсафа. Дарслик. – Т.2005. Б.176.

5.Мустқиллик изоҳли илмий-оммабоп луғат –Т.: 2006, 41-бет

6.Маънавият асосий тушунчалар луғати. “Академия”, Т – 2009, Б-82